

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

© № 266 (6. 755)

1988 йил 22 ноябрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР

КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Шаҳар партия комитети бюросининг 21 ноябрда бўлган янабатдаги мажлисида Тошкент шаҳрини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги лави ва Тошкент шаҳрининг 1989 йилги бюджет лойиҳалари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Бюро умуман лойиҳаларни маъқуллади ва шаҳар Совети ижроия комитетига маъқур лойиҳаларни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессиясига киритишни топширди.

Бюро шаҳар партия ташкилоти фаолиятига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Бугун Ленин район ҳисобот-сайлов партия конференцияси ўз ишини бошлади.

Ҳамкорлик йўлларида

«Семурғ»

Тошкентда

Утган шанба кун янги 14 қаватли меҳмонхона биносига тантанали равишда пойдевор қўйилди. Меҳмонхона қурилишини Ҳиндистоннинг оламга машҳур «Тата прожект лимитед» фирмаси бошлади. Пойдеворга дастлабки кубометр бетон ётқизишга бағишланган маросимда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллоев, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. Х. Маҳаммадалиев, Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули И. Кумар қатнашдилар.

Меҳмонхонага тантанали пойдевор қўйиш маросими муҳим сиёсий воқеа — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачёвнинг Ҳиндистонга расмий визитига тўғри келди. Михаил Сергеевич Горбачёв мазкур визит узаро алоқаларининг ривожлантиришда яна бир катта қадам бўлади, биз бу алоқаларни эъзозлаймиз ва юксак қадрлаймиз, деди.

— Қадарлашмишимиз боски икин буюк халқ ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлигининг адреспари ҳам маъмул қилаяпти, — деди қурилиш бошқарувчиси жаноб Кришанасвами. — Ҳозир меҳмонхона қурилишида бир гуруҳа ишчилар меҳнат қилаяпти. Ҳадемай ишчи ва мутахассисларимиз сон кўпаяди.

Биз истиқомат қилишимиз учун Луначарский шоссеси Жанубий томон районинда 9 қаватли ўй-ётоқхона ажратилди. Қурилиш мақдонига автобусда олиб келиб, олиб бориб қўйишди. Олий класс меҳмонхона қурилишини олиб бораётган биз, «Тата прожект лимитед» фирмасининг вакиллари учун, бу катта шарофат. Амалий алоқалар қисқа вақт — уч йил икда жаҳондаги энг яхши меҳмонхоналардан бирини тиклашга ёрдам беради. Бизнинг фирмамиз ана шундай объектларни тиклаш тажрибасига эга, бошқа мамлакатларда ҳам уларни қурганимиз. Энг муҳими, бизга дўст мамлакатда яшаб, меҳнат қилиш ёқади.

— Янги меҳмонхона «Интурист» маданият-ахборот маркази бинда қурилаяпти, — дедим эътидан СССР Госкоминтурист қурилатган объектлар бирлашган дирекциясининг Ўзбекистон бўйича директори В. А. Песчинский. — Биз шартноманинг имзоланишида иштирок этдик, иш сифатини

қабул қилишда ҳам иштирок этаёламиз.

— Владимир Александрович, совет томони қурилишда қандай ёрдам бераёпти?

— Биз Тошкент корхоналаридан қурилиш материалларини — цемент, қум, шугал, ёғоч материаллар, металл, мармар — жами 23 хил материалларни етказиб бераёламиз. Қурилиш ва пардозлаш ишларини электр ускуналар, монтажи, компрессор, ошона, икр ювиш ва бошқа ускуналарни ўрнатиш каби барча ишларни фирма бажаради. Меҳмонхона 600 ўринга мўлжалланган. Унда туристларга хизмат кўрсатишнинг бутун комплекси — ресторан, бар, сауна кўзда тутилган.

Фирма зарур механизмларнинг ҳаммасини келтирган. Бетон қорши узели монтаж қилиб бўлинди, бугун дастлабки бетон ана шу узелда қорилди.

— Бундай ҳамкорлик биз учун фойдалими?

— Албатта. Уч йил дегаанда бутун бир туристик комплекс қурилиши билан бизга топширляпти. Қурилиш соҳасида кўп йиллар ишлаганимиз, очилгани айтсам, ана шундай қисқа вақт икда истиқомат қилувчилар учун барча қулайликларни бўғида этилганини қўрмаганам. Аммо шартномада ана шу мўддат кўзда тутилган — меҳмонхона 1990 йилнинг декабрида қуриб битказилиши керак. Қурилишнинг боришини кузатиб эканман, қўшимча қилишим муамма, қурилиш майдончасида намунали тартиб ҳукм сураяпти.

— Ҳиндистоннинг ана қандай фирмалари Ўзбекистонда меҳмонхоналар қураёпти?

— «Энд тубро лимитед» фирмаси Бухорода 430 ўринли, Самаркандда 500 ўринли меҳмонхоналарни бунёд этмоқда.

Э. АДАЙКИНА.

Билдириш

Ингирмаичи қақирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг еттинчи сессияси 1988 йил 25 ноябрь кун соат 11.00 да область партия комитетининг катта мажлис залда (Ўзбекистон қунаси, 9) бўлишини маълум қиламиз.

Партия группасининг мажлиси соат 10.00 да бўлади.

Депутатлар ўша ерининг ўзида соат 9.00 дан рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

XXVI Тошкент шаҳар ва XXIII Тошкент область партия конференциялари олдида

Шаҳар партия комитети аъзолигига номзодлар

Коммунист эътиқоди

СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг улкан цехларидан бири... Ним яшил рангдаги қатор станоклар олдида одамлар жонбозлик билан ишлаяпти.

Фрезерчилар, токарлар... Улар катта яшиқдаги металл олиб, ҳар бири ўз станогига томон равона бўлишяпти. Ишнинг мураккаблигини бир қарашда билиб олиш қийин эмас. Лекин мана шундай мураккаб участкаларда ҳам аёллар эркаклар билан тенг туриб меҳнат қилляптилар.

Ишчи коржомасидаги оддий, меҳнаткаш аёллар...

26-цехдаги ана шундай аёллардан бири Таисия Ивановна Ястребовадир. Ўрта бўйли, «нозиккина бу аёлнинг қаққон ва қатъий ҳаракатлари унинг ўз касбининг усталиридан эканлигини кўрсатиб турибди. Қўринишдан ёшгига ўхшайди. Лекин суриштириб кўрсак, шу заводда ўн тўққиз йилдан буюн меҳнат қиларкан.

Завод иккинчи уйим бўлиб қолган, — дейди Таисия Ивановна. — Шу ерда иш ўргандим, шу ерда партияга ўтдим. Касбимдан, коллективимдан жаминмай, Цехимизда ажойиб одамлар жуда кўп. Улар билан бирга бўлиш, бирга меҳнат қилишнинг ўзи бир бахт.

Таисия Ивановна бригада методи асосида меҳнат қилаётган коллективнинг аъзоси. У ҳамкасблари Аграфина Васильевна Романюк, Фёдор Кириллович Романюк, Махфуза Раҳмонбердиева, Утилой Толпиоваларни касбинини муаммал эгаллаган ишчилардан деб таништиради.

— Цехимиз планларни бажаришда шуларнинг меҳнатига таянади. Нимасини яшараман, ҳали ораимизда иш вақтини қадрламайдиганлар ҳам топилиб туради. Шунинг учун ҳам ойнинг якунида ана онгли ишчиларга зўр келади. Цех планни бажариш керак. Бунга эса жуда катта қийинчиликлар билан эришилляпти. Ҳар ойда дам олиш кунларимиз ҳисобидан ишлашга тўғри келади. Шанба кунларимизни планни қоплашга сарфлаямиз.

Таисия Ивановна аъзо бўлган бригадага 35 киши аъзо. Ҳозир эса уларнинг атғи 28 нафарин ишлаяпти. Кимдир касал,

кимдир отпусқада. Уларнинг ҳисобига ҳам меҳнат қилиш керак.

Цехга киришимиздан олдин бошлангич партия ташкилотининг секретари Людмила Михайловна Юсупова Таисия Ивановнанинг кўзга кўринган, ташаббускор коммунистлардан эканлигини, коллектив иши учун ниҳоятда жонқурлигини таъкидлаганди. Ҳўш, Таисия Ивановнанинг ўзи коммунистлар ҳақида қандай фикрда?

— Цехимиз коммунистларими? Биласизми, партиявий иш соҳасида ҳали жуда кўп тадбирларни амалга ошириш, коммунистлар активлигини кўтаришимиз керак, — деб давом этади Таисия Ивановна, — ҳозир партия ташкилотининг олдида талайгина вазибалар турибди.

Ишчи-коммунистлар ҳеч қачон ишлаб чиқариш ва партиявий фаолиятини икки соҳага ажратиб юбормаслиги, ўз иш жойида коммунистча эътиқод билан меҳнат қилиши ва коллективнинг сиёсий ҳаётида фаол бўлиши зарур.

Таисия Ястребова айнан ана шундай ишчи-коммунистлардан. Завод коммунистларининг унинг номзодини шаҳар партия комитети аъзолигига кўрсатганлари ҳам бежиз эмас.

Аввалги XXV шаҳар партия конференциясида ҳам коммунист аёл шаҳар партия комитети аъзолигига сайланганди. Утган мўддат ишчиларнинг унга нисбатан ишончини янада мустаҳкамлади.

Таисия Ивановна эса партиявий сифдовларининг ишончини оқлаётганидан хурсанд. У ўзинга юкланётган партиявий ишларни сийқидилдан бажараяпти.

Актив коммунист цех ва завод коммунистларига ўрнатилган кўрсатиб, ташкилотчилик ва ижроичилик ҳислатларини намойиш этади.

Қатор станоклар олдидаги одамларнинг аксарияти ишчи коржомасидаги оддий меҳнаткаш аёллар. Таисия Ивановна Ястребова ана шулардан бири. Энди у ҳақидаги тасаввуримиз бутунлай бошқача, тўб унинг ички дунёси кўз олдимизда янги этиб турарди.

Васила МАДИМАРОВА.

Район партия конференциялари

Илгари хабар қилингандек, 18—19 ноябрда Акмал Икромов, Собир Раҳимов ва Чилонзор район партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди.

IV Акмал Икромов район ҳисобот-сайлов партия конференциясида Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Т. Х. Хайдаров ҳисобот доклады қилди.

Конференция қатнашчилари ҳузурда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин нутқ сўзлади.

VIII Собир Раҳимов район ҳисобот-сайлов партия конференциясининг делегатлари Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Т. М. Аҳмедов қилган ҳисобот докладини тингладилар ва уни муҳокама этдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилов нутқ сўзлади.

XIII Чилонзор район ҳисобот-сайлов партия конференциясида Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Б. В. Ефремов ҳисобот доклады қилди.

Конференция ишида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов иштирок этди.

Районларнинг ҳисобот-сайлов партия конференцияларида район партия комитетларининг, район партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Район партия комитетларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Т. Х. Хайдаров Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари, Т. М. Аҳмедов Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари, Б. В. Ефремов Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайландилар.

Район партия конференциялари иши тўғрисидаги батафсил ҳисоботлар газетамизда ёритилади.

ЗАМОНДОШИМИЗ



© СУРАТДА: Таисия Ивановна Ястребова.

Р. Шарипов фотоси.

Жадаллаштириш давом этади

XXXX Октябрь район ҳисобот-сайлов партия конференциясида

Октябрь район партия конференциясига ҳаммаси бўлиб 427 делегат сайланди. Шундан 61 делегат Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Совет депутатларидир. 98 киши эса ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. Конференцияда 139 бошлангич партия ташкилотининг секретари иштирок этди, 13 цех партия ташкилотининг секретари делегат қилиб сайланди.

Бутунитифоқ XIX партия конференциясида ҳақиқий ошкоралик ва демократия тантана қилган ҳамон ёдидида. Ўша жоний мулоқотда катташанга, матбуот ёки телевидение орқали кузатган ҳар бир коммунист тегишли хулоса чиқариб, ҳаёдаги ўрни, келгуси режаларини белгилан олди.

XXXX Октябрь район партия конференциясига келган делегатларда ҳам қатъийлик, ишчанлик кайфияти сезилиб турарди. Кимни кузатишга қарамастан, ҳали аниқлаш бошланмасдан баҳс, ўзаро фикр алмашу аажоб кетгандай...

О ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

Район партия комитети илгор метод ва тажрибаларни қўллашга, камчиллик ва нуқсонларни олишга асосий эътиборини қаратмоқда. Бунинг учун эски иш услубидан воз кечинча тўғри келаяпти. Кейинги пайтда райком бюроси ўз йиғилишини ўрганиётган партия ташкилотининг ўзига бориб ўтказилиши, қабул қилинётган қарорларнинг қоллегиал ишлаб чиқишини йўлга қўйди. Қайта қуриш ва демократияни чуқурлаштириш мақсадида қатор тадбирлар белгиланди. КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш юзасидан асосий йўналишлар бўйича комплекс программани ишлаб чиқилган. Корхона ва ташкилот раҳбарларидан 40 киши конкурс асосида сайланди. Вақант вазибаларда ишлатилганнинг 50 проценти коллективда ташкилотчилик ва ишбилармонлиги билан обрў қозонган партиячилардир. Райком аппарати ходимларининг аниқ вазибалари, уларнинг бошлангич партия ташкилотларида бўладиган кунлари белгилан қўйилди. Кўпроқ амалий натижаларга эришиш мақсадида район партия комитети қошидаги хўжалик ишлари билан шуғулланувчи штаб, Совет ва комиссиялар 13 тага қамайтирилди.

Қисқа вақт ичидеги бундай ўзгаришлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Меҳнат коллективларида жонлиқни, янгиланиш сезилаяпти. Одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгариб, маъсулияти янада ошди. Қолоқ коллективлардаги вазиятни яхшилаш мақсадида район партия комитети томонидан министрлик, идоралар, саноят корхоналари раҳбарлари билан бир неча марта суҳбатлар ўтказилди. Экономикга бундай усулда партиявий таъсир ҳаволини ўнгиланб кетишига ёрдам бераётган Кейинги беш йилликни ўзиде асосий ишлаб чиқариш фондлари 120 миллион сўмга кўпайди. Саноят маҳсулотлари ҳажми эса 115,4 процентида өтди. Меҳнат унумдорлиги ҳам шунга яраша бўлимоқда. Белгиланган 10 ойлик реализация планни бажарилиб, шу йилининг ўзида 34 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди.

Турар жой муаммоларини ҳал қилишда биринчи марта жадаллаштиришга эришилди, — деди район партия комитетининг биринчи секретари Х. С. Орнпов ўз ҳисобот докладыда.

Утган беш йилликка таққосланганда, бўлса, ҳар йили фойдаланишга топширилатган турар жойлар ҳажми 25 минг квадрат метрдан ошмоқда. Ҳисобот даврининг ўзида 222,5 минг квадрат метр ҳажмидаги уйлар қуриб битказилди. Шунга қарамай оддий ҳисоб-китоблар ҳали олдимизга қўйилган вазифини тўлиқ бажармаслигини кўрсатиб турибди.

Шундан сўнг докладчи райондаги бунёдкорлик ишлари ҳақида батафсил тўхтади. Шунингдек, маълумот, меҳнатчи, маънавий хизмат, савдо ва бошқа соҳалардаги ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиб берди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш бош бошқармаси бошлиғи М. Н. Абдуллоев райком аппаратини танқид қилди.

— Бош бошқармадаги ташкил бўлганга йиғирма турт йил бўлган бўлса-да, — деди у, — бирон марта на инструктор, на секретар қелди. Биз ҳам шаҳар қурилиш билан шуғулланамиз, лекин кўпича эътибордан четда қоламиз. Октябрь райони шаҳар марказида жойлашган. Тарихий обидалар кўп унда. Уларни эсраб-авайлашимиз даркор.

— Корхонамизда ишлатилганларнинг 95 проценти хотин-қизлар ташкил этади, — деди музокарада сўзга чиққан кўн-галантерее ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бичувчиси К. Рустамова. — Уларга қулайлик яратиш мақсадида алоҳида фабрика ташкил этилди. 300 нафар аёл уйда тайёрлаган буюртмаларни шу ерга топширишляпти. Ҳозирги кунда фабрика янада кенгайтириляпти.

— Бизни театр ва томошабин муаммолари ташвишга солади, — деди Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актери Г. Зокирова. — Бу йил театрининг 70 йиллиги бўлиши мийназайми. «Қориолан», «Тадкир эшиги», «Асрга татигулик кун» каби янги спектакллари намойиш қилинишга қарамай залда томошабинлар кам. Бунинг асосий сабаби нимадир?

Делегатлар сўзга чиққанлардан айниқса, 1-

шаҳар касалхонасининг бош врач К. Ризаевнинг сўзларини эътибор билан тинглашди.

— Докладчи ва мендан олдин музокарага чиққанларнинг нутқини диққат билан эшитдим, — дея сўзини бошлади у. — Инсонга гамхўрлик қилиш биринчи галдаги вазифа. Шунга ҳаракат қилинапти ҳам. Академик Е. И. Чазов айтганидек республикада жуда кўп маъмурий бинолар соғлиқни сақлаш муассасалари ичига яташляпти. Афсуски бундай бино Октябрь районида топилмади. Коллективизмизда 2 мингга яқин киши ишляпти. Шунча одамга бир йилда катта кўвартир берилди.

ДЕЛЕГАТГА ИККИ САВОЛ:

1. Ҳисобот доклады ҳақидаги фикрингиз қандай?

2. Сизни қайси муаммолар уйлантиряпти?

Анваржон Хидиралыев, 159-трестнинг 10-қурилиш бошқармаси бош механизми.

1. Менимча, барча соҳа тўлиқ камраб олинган. Докладчи давр ва ўз-ўзини танқид руҳи сезилиб турди. Менга айниқса, объектларда техника, маҳинишлар, иккинчи механизация восталаридаги тўлиқ фойдаланилмаслиги танқид қилинганга маъқул бўлди.

2. Очиги, бизни таъминот масаласи қийнайди. Қурилишга келаятган панел, тўсиқ ва ёғишлар кўпича сифатсиз бўлады. Сабоби, уларни ишлаб чиқаряётган корхоналарда ускуналар эскириб кетган, ремонтга, алмаштиришга муҳтож.

Келгуси йил бошидан бизда давлат қабули жорий қилиниши кўзда тутилмоқда. Бундай ахволда 640 ўринли 2 та болалар богчаси ва турар жой биноларини фойдаланишга қандай топшираёмики?

Ҳафиза Ҳолмұхаммедова, Октябрь район ошоналар трести, 12-ошона кассири, меҳнат ветерани, трест хотин-қизлар совети раиси.

1. Докладда кезиб ҳама соҳа тилга олинди. Айниқса барча бўла умумий оқатилиш корхоналари ходимлари номига танқидий гаплар айтилди. Бундан тегишли хулоса чиқариб, халққа хизмат кўрсатиш маданиятини яна ҳам кўтаришимиз даркор.

2. Аёл сифатида мени боласини ташлаб кетявган оналарнинг қилиши аъзоблайди. Ҳаёт қасоскор, бегиритиш оналар бир кун жазоларини оладилар. Давлатимиз норасидаларни гулдек қилиб боқиб олади. Шу ўринда бир мулоҳаза: тирноққа зор одамлар болалар уйларидан фарзанд олиш учун навабатда туришди ва ойнаб сарсон бўлишди. Истардимки, уларни кўп ҳам овора қилмасдан (шароти талабга жавоб берса) арзаси қондирлиси, Ота-она бағрида катта бўлган гўдакнинг қалби шикаста бўлмайди.

Владимир Веселов, Ўзбекистон ССР Енгил сановат министрлигига қарашли Марказий технологик-конструкторлик лойиҳалаш бюроси бўлим бошлиғи:

1. Докладда районимизнинг асосий ҳаёти ақс этди. Лекин экология, табиатни муҳофаза қилиш каби долзарб масалалар тилга олинмади.

2. Қишлоқ хўжалигига ҳар томонлама ётарли ёрдам берилияпти. Масалан, қурилиш ташкилоти, қурилиш бўйича заводлар техникадан, илмий муассасалар илмий методлар асосида кўмаклашса ўзимизга шунча яхши бўларди.

Сўзга чиқувчиларнинг асарияти муаммоларини, партия ходимларини ишдаги камчиликларини, кўннинг таърифи, Уларда ўз-ўзини танқид руҳи ҳам сезилиб турди. Лекин Октябрь район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Тошпулатовнинг нутқи умумий гаплардан иборат бўлиб қолди. Комсомол етакчиси кўша пленум ўтказишни тақдиф қилди, виллар ҳузурига социолог, психологларни тақдиф этиш керак, деди. Ҳўш яхши, аммо райондаги маъқуд муаммолар ҳақида ҳам гапиринг лозим эди. Ваҳоланки виллар ўртасида содир этилган тартиббузарликлар ҳамон актуал масала бўлиб турибди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудри П. В. Догонкин қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари О. Ҳ. Аскароев иштирок этди.

Конференцияда район партия комитетининг, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент шаҳар ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

С. ШОДИЕВ,
Р. БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Тошкент оқшони» мухбирлари.

Ташкилий пленумда Х. С. Орнпов район партия комитетининг биринчи секретари, Е. А. Лойко район партия комитетининг иккинчи секретари, Х. С. Отамова район партия комитетининг секретари этиб сайландилар.

А. И. Ануфриев район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.



© СУРАТДА: XXXX Октябрь район ҳисобот-сайлов партия конференциясида.

Т. Каримов фотоси.

Ватанимиз пойтахти Москвадаги Адабиётчилар марказий уйида Орол кунлари бошланди

ОРОЛ ДЕНГИЗИ, ШИМОЛИЙ СОХИЛ БАЛИҚЧИЛАРИ ВА ИШЧИЛАРИНИНГ БУГУН СОВЕТИ

Орол денгизидagi ишчи, балиқчи ўртоқларга
Қадри ўртоқлар!
Ниҳоятда оғир мусибат — бутун Волга бўйи ва Приуральянинг бир қисми бошига тушган мисли қўрилмаган очлик тўғрисидаги хабар сизларга ҳам етиб борган бўлса керак албатта. Астрахань губерна-сидан бошлаб Татаристон респуб-ликаси ва Пермь губернасигача бўлган ҳамма жойда қурғоқчилик қаллаи ҳам, ўтти ҳам деярли бата-мом куйдириб юборди....
...Орол денгизидagi сизларнинг балиқ овингиз ёмон эмас, бинобарин, ку-нингиз унчалик муҳтожликда ўтма-япти. Шундай экан, овлаган балиқ-ларингизнинг бир қисмини очлик-дан яхшироқ кетаётган чоллар ва кампирларга, сал кам бир йил мобайнида оч қорин билан ерга ишлов беришдек оғир меҳнатни адо этиши лозим бўлган, силласи қуриган 8 миллион меҳнаткашга,

ниҳоят, ҳаммадан бурун ўлиб кети-ши мумкин бўлган 7.000.000 болага ажратиб берсангизлар.
Қадри ўртоқлар, Орол балиқчи-лари ва ишчилари, саҳийлик билан иона қилинглари! Сизлар виждон амрини бажо келтириш билан бир-га, ишчилар революцияси ишини ҳам мустаҳкамлаган бўласизлар. Чунки сизлар бир-бирларидан жу-да олисда бўлган пролетарларнинг бир-бирларига чексиз ёрдами зами-нида қўрилган ишчилар Совет дав-лати қудратининг энгилмаслигини бутун дунёга, биринчи навбатда, барча меҳнаткашларга кўрсатган бўласиз....
Халқ Комиссарлари Советининг Раиси

В. И. Ленин
(В. И. Ленин, тўла асарлар тўплами, 53-том, 278-279-бетлар).

ЯНА СУВГА ТЎЛИБ ЧАЛҚИЙСАН, ОРОЛ!



Оролни асраш комитети-нинг раиси, профессор Пирмат ШЕРМУХАМЕДОВ билан суҳбат

○ Табиат устидан эришган гала-баларимизга махлиё бўлмайлик. Бу-дай галабаларнинг ҳар бири учун табиат биздан қасос олади. Тўғри, бу галабаларнинг ҳар бири, биринчи навбатда биз кўзда тутилган натижа-ларни келтиради, лекин, иккинчи ва учинчи навбатда бутунлай бошқа олдидан кўриш мумкин бўлмаган оқибатларни келтириб чиқарадики, кўпича улар биринчи натижалар-нинг аҳамиятини йўқ қилиб ташлай-ди.

Карл МАРКС,
Фридрих ЭНГЕЛЬС.

○ Оролда экологик фалокат юз бериши учун йигирма беш йил қийф қилди... Аслида Оролдаги 1000 куб километр табиий сувнинг ярмидан ози — 400 куб километрча сув Оролнинг саҳрога айланган тубидан ҳар йили атмосферага 70 миллион тоннага қадар туз чағги кўтариш-моқда... Оролдаги ҳалокат денгиз бўйида яшовчи 3.000.000 дан ортиқ кишининг саломатлигига таҳдид қи-либ турибди.

Григорий РЕЗНИЧЕНКО,
ёзувчи, Орол экспедицияси қат-нашчиси.

ГЕОГРАФИК СПРАВКА

Орол денгизининг сатҳи 64,5 минг квадрат километрни ташкил этади. Катталиги жиҳатдан Каспий (СССР), Юқори (АҚШ), Виктория (Африкадан кейин жаҳонда тўртинчи ўринда туради.

— Пирмат ака, аввалги суҳбатимизни эсласизми!

— Албатта. Нега энди хотирлаб қолдин-гиз!

— Ушанда ниҳоятда ташвишли эдингиз-да. Бугун кайфиятингиз яхши...

— Уша пайтдаги аҳолини тақорлаб ўтирайман. Ҳозир эса ҳар бир ўзбекистонликнинг юрғи минтадорлик, умид тўйгули билан тўлиб-тошди. Коммунист-тик партия, Совет ҳукумати ва СССР бошига тушмак фожияни бартараф этиш ишига жиддий ғамхўрлик билан ёндашди. СССР Давлат гидрометеорология коми-тетти раиси Ю. А. Издрэли раислигида ҳукумат комиссияси тўзилди, иш бошланди. Комиссиянинг тавсиялари КПСС Марказий Комитети Сийбис бюросида кўриб чиқил-ди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Орол денгизиз районида экология ва санитария вазияти-ни тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида су-ва су-ва ресурсларидан фойдаланиш сама-редорлигини ошириш ҳамда уларни му-ҳофиза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Хуллас, Орол ҳақида гап кетганда бир масала кўндаланг бўлиб қолган: Орол йўқ бў-ладими ёки бугун «Орол яшайди» деб баралла айтишимиз учун асос бор.

— Йинида Олаовта шахрида жаҳон ёзувчиларининг «Дунё — шеърят — эко-логия» шiori остида халқаро йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Япония, Филиппин-лар, Лаос, Монголия, Ливан сингари мам-лакатлар вакиллари қатнашди. Йиғилишда Оролни асраш бўйича бутун дунё халқ-ларига мурожаат қабул қилинди. Икки кун давом этган анжуманда атроф-муҳитни му-ҳофиза қилиш, айнақса, Орол муаммо-лари шонлиларини диққат марказида тур-ди. Уларнинг тақлиф-истақлари билан халқаро Орол ҳаракати асос солинди. Ҳаракат президенти қилиб танилиб қоқ-ш шiori Мухтор Шаҳонов сийланди. Вице-президентлар сийлатида сиз ва монголия-лик космонавт уручи, Совет Иттифоқи Қўрамон, Монголия Халқ Қўрамон Гўррачча иш олиб борасизлар. Иттимок, шу ҳаракат ҳақида батафсил сўзласангиз.

— Маълумки, сўнгги йилларда бутун дунёда бир қатор экологик муаммолар пайдо бўляпти. Шулардан бири Антаркти-да устиди пайдо бўлган азон тўйнутидир. У тобора кенгайиб бормоқда. Олимлар-нинг ҳисоб-китобларига қараганда бу ҳо-диса табиат мувозанатининг бузилиши оқ-ибтида юзга келган.

Бундан 15—20 йиллар аввал ўз ўрмони-миз, ўз кўлларимиз, ўз тоғларимиз ҳақида қайғурардик, ташвиш чекардик. Эндликда дунё ташвиши елкамизда. Гап шундаки, ўз дарёмиз бошқа ердаги дарёларнинг ажралмас қисмидир. Тепамизда сузиб юрган булутлар сингари барчамизникидир. Бас, шундай экан, экологик вазиятни ях-шиллов учун курашмоғимиз керак. Шу мақсадда СССРда ва чет элларда табиатни асраш бўйича жамоатчи ташкилотлар тўзилляпти. Турли чора-тадбирлар қўри-лмоқда. Масалан, Германия Федератив Республикасида иш олиб бораётган «Яшил-лар партияси» диққатга сазовордир. Шу-нингдек, Байкал ҳаракатини ҳам унутмас-лик керак. Мана энди халқаро Орол ҳа-ракати фаолият кўрсата бошляпти. Бу ҳаракатнинг асосий мақсади Оролни ва Орол бўйини асраш, табиатни асл ҳолига қайтариш, ҳайвонот, наботот олами-ни асраб қолишдан иборатдир. Эндликда барча кучлар бирлашди. Япон шiori Одо Мокато Токио телевиденсис орқали эштитиришлар беради. Гўррачча Оролни-ни аҳоли билан ўз ҳамюртларини таниш-тириди. Хулоса шунки, гап фақат Орол хусусида бораётгани йўқ, гап бошқа ер-ларда ҳам иккинчи Орол пайдо бўлмасли-ги, табиат мувозанатининг бузилишасли-ги хусусида бормоқда.

— Бевоқифа Оролга қайтайлик. Кўпгина олимлар, мутахассислар «Оролни асра-шинг кераги йўқ, чунки Орол табиатнинг хатоси», деган фикрин баралла айтмоқда-лар...

— Мен бу ҳақда гапиришдан аввал бир афсонани айтиб ўтмоқчиман. Айтишларича римликлар билан қарфагенликлар ўр-тасидаги жанг узоқ давом этибди. Қарфа-генликлар Римни истило қилишининг ило-жини тополмагандлар. Шунда қарфагенлик доншизмандлардан бири бу муаммони осонликча ҳал қилибди. Римликларнинг ичаётган суварига қоп-қоп туз тўка бо-лашибди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас тузли сув ичшдан безган римликлар қарфагенликларга ихтиёрий таслим бўли-шибди.

Бу афсонанинг замирида улкан ҳақиқат бор. Тузли сув истеъмол қилиш муқаррар ҳалокатга олиб боради. Орол бўйида яшовчи аҳоли узоқ йиллардан бери гер-бицид, пестицидларга тўйинган, тузининг микдори жудо оқиб кетган сув истеъмол қилади. Баъзи одамлар бу хатони туза-тиш, яъни аҳолини тоза ичимлик сув би-лан таъминлаш ўрнига атайин «Орол — табиатнинг хатоси» деган ёлгон дэво-лар-

ни ўйлаб топишди. Аслида хатони биз — одамлар қиламиз. Табиатнинг ҳеч бир ишида хатоллик йўқ!

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Толстов, академик Яхё Ғуломов, Бўрибой Аҳмедовларнинг тадиқотларига Орол табиатининг хатоси эмас, муқоддас инъоми эканлиги исбот қилинди.

— Биз кўпича Орол ҳақида гўпирамиз, аюханнос соламиз. Лекин Оролни асраш учун, уни қайта тиритириш, мажруҳ жис-мига жон бағишлаш учун бир қатор муаммолар борки, уларни бартараф этиш жу-да мушмидир. Сиз шу муаммолар ни-малардан иборат деб ҳисоблайсиз!

— Оролни асраш йўлида чиндан ҳам бир талай муаммоларга дуч келдик. Шун-дай муаммолардан бири музликлар маса-ласидир. Тўғриси айтишда, музликлар ҳақида гап кетганда масаланинг бу қадар долзарблигини ҳис қилмоқчим. Хўш, дей-лик, музликларда қандай ҳикмат бор! Ҳамма гап шундаки Оролнинг тақдир-и музликлар билан боғланган.

Утган йили «Правда» газетасида Отахон Латифийнинг Помир музликларидида аҳ-волнинг оғирлиги ҳақидаги мақоласини ўқигандим.

Музликлар одатда 3 турга бўлинади. Ер усти музликлари, тоғ музликлари ва денгиз музликлари. Тоғ музликларининг

Федченко музлиги бўлди. 77 километрдан иборат бу музлик Амударёнинг юрғи, кон томири ҳисобланади. Унинг бугунги аҳо-ли қувонарли эмас. Бир пайтда оқ чой-шаб апинган, қўш нурларидан яриқар турадиган Федченко музлигининг ранги ўзгара бошлаган. Музликнинг аҳоли чукўр ўрганилмаса, у табиий ҳолатини йўқотиб қўйиши мумкин.

—Кечирасиз, шу ўринда масалага яна ойдинлик киритишга тўғри келади. Олим-лар ўртасида Сарёз кўли тўғрисида фикр-лар давом этиб келади. Ҳатто мен Мар-казий матбуотларнинг бирда Сарёзининг суви Оролга оқизиб зарур деган гоёни ўқиб қолдим. Сарёзининг Оролга фойдаси тегаармикан!

— Сарёз хусусидаги муҳофазат тобо-ра кучайиб бормоқда. Икки оғиз гапириб ўтай. Сарёз кўли қачон пайдо бўл-ган! 1911 йил 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Помирнинг марказида кучли эзилла бўлган. Бунинг оқибатида Сарёз кўли пайдо бўлди. Кўлининг узунлиги 56 километр, эни 3 километр. Чукўрлиги эса 20 метрдан 480 метрга боради. У 80 квадрат километр майдонни эгалляпти. Суви чуқур, гулбалқч сироб.

Сарёз сувини Оролга оқизиб мумкин эмас. Балки келажақда урдасидан чиқса бўлар, лекин ҳозир хомхёвдан бошқа

Қанча ёрдам бўлса берамиз. Лекин Қора-қум ва Тошовуз каналларига тежманг. Энг аввал ўларингиздаги Аму—Бухоро канал-ларингизни ўйланг, дейишди.

